



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

20 21 yil “16” aprel6

№ 78

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимларга тайинлашни ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 31 мартдаги 171-сонли қарори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимларга тайинлашни ва уларнинг фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимларга тайинлашни ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Кадрлар бошқармаси (М.Саламов):

вазирликнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмаси раҳбари лавозимига номзодни танлаш, лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро интизомини таъминлаш шўъбаси билан келишилган ҳолда амалга оширилишига;

ижро интизомига масъул таркибий бўлинма раҳбари лавозими бўйича вакант ўрин юзага келган тақдирда ўз вақтида лавозимга номзодни тайинлашни келишиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақдимнома киритишга;

ижро интизомига масъул таркибий бўлинма раҳбари лавозимга амалий тажрибага эга, юқори малакали, пухта танланган номзодлар тавсия этилишига ва ушбу лавозим бўйича кадрлар захирасининг шакллантирилишига;

худудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларидаги ижро интизомига масъул ходимлар малакасини ошириш ишлари ва стажировкаларининг тизимли ташкил этилишига;

худудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларидаги ижро интизомига масъул ходимларни марказий аппарат билан келишув асосида лавозимга тайинлаш тартибига риоя этилишига масъул эканлиги белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари жорий йил 1 июлга қадар худудий соғлиқни сақлаш бошқаруви органлари штат бирликларининг чекланган сони доирасида ижро интизомига масъул алоҳида штат бирлигининг жорий этилишини ҳамда мазкур лавозимга тайинланадиган ходимни вазирлик билан келишув асосида лавозимга тайинланишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқнинг ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**



**А. Хаджибаев**